

1-илюса

“Хоразм вилояти Тупроккальба тумани Шарлаук махалласи Фуркат кӯчаси йўлини жорий таъмирлаш ”(0,544 км)” обьекти буйича  
ишларни бажариш ЖАДВАЛИ

№	Ишлар тури ва номи	Хажм бирлиги киммати	2022 йил давомида бажариладиган ишларни миқдори (минг сум)												Иш турлари буйича умумий киммати (минг сум)	
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак				
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь		
	Жорий таъмирлаш ишлари	462387742												462387742	462387742	



2-илюса

“Хоразм вилояти Тупрокқалъа тумани Шарлаук махалласи Фуркат күчәси йўлини жорий таъмирлаш ”(0,544 км)” объекти буйича

молиялаштириши ЖАДВАЛИ

№	Ишлар турни номи	Хажм бирлиги кймати	2022 йил давомида бажариладиган ишларни молиялаштириш (минг сум)										Иш турлари буйича умумий кймати (минг сум)		
			I-чорак			II-чорак			III-чорак			IV-чорак			
			январь	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь		
	Жорий таъмирлаш ишлари	462387742											439268355	23119387	462387742

Буюртмачи:

Тупрокқалъа тумани Ободондаштириши борисармаси бошлиги  
Р.Йулдошев



Будратчи:  
“Тупрокқала ГИФУК”  
бошлиги  
Д.Ниязметов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

OM8687023377

**1. Loyihaning turi : Shartnoma**

**2. Loyihaning nomi: PUDRAT ShARTNOMA**

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: TUPROQQAL'A TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI tomonidan 14.11.2022 yilda kiritilgan.**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Tuproqqa's tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**M.R.SADIKOVA**

14.11.2022

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

2022 у. «14» 11

258-12-218-ОВ/2022-  
son

Tuproqqa'l'a tumani

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Тупроққалъа тумани **Ободонлаштириш бошқармаси** номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи Р.Йуллошев бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«Тупроққала ТИФУК»** номидан Устав асосида иш юритувчи Д.Ниязметов иккинчи томондан **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.09.2021 йилдаги “Очиқ Бюджет” Ахборот Портали Оркали Жамоатчилик Фикри Асосида Шакланган Тадбирларни Молиялаштириши Янада Кенгайтириш Чора-Тадбирлари Тўғрисида”**ги карорига асосан **“Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Шарлаук маҳалласи Фуркат кўчаси йўлини жорий таъмирлаш”** обьекти бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАЪРИФЛАР.

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади;
  - **курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади ва ишлаш учун шароит яратиб берилади.
  - **вақтинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
  - **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
  - **шартнома нархини бўлиб чиқиши** – ишларнинг ҳар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича обьектнинг умумий кийматини боскичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **“Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Шарлаук маҳалласи Фуркат кўчаси йўлини жорий таъмирлаш”** обьектни кўзда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажариладиганган, электрон танлов натижасида аниқланган (**2022 йил “09” ноябрдаги № 53591-сон**) баён билан тасдиқланган ишлар киймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва КҚС билан бирга пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган холда жорий нархларда **462 387 742 (тўрт юз олтмиш икки миллион уч юз саксон етти минг етти юз қирқ икки )** сўмни ташкил этади. Шундан **462 387 742** сўм маблаг 2022 йил фуқаролар ташаббуси жамғармаси хисобидан молиялаштирилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
  - ишлар киймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
  - обьектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.
5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга мувофик ишларни бажариш назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик тошириши;
  - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини стказиб бериш, уларни қабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
  - қурилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;
  - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар гузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
  - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунинингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
  - қурилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
  - мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб - ускуналари, транспорт воситалари, апжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
  - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботла хужжатларни (исполнительная документация) түлил жақмда тақдим қилади.

## V. БЮОРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- Объектта тегишли лойиха смета хужжатларини ўз вактида тақдим қилади. лойиха смета хужжатлари бўймаган холда ўзаро келишиб далолатнома асосида ишлар бошланишига розилик беради. Бажарилган ишларни умумий ёки иш хажмларини кетма-кетлик билан кабул килишга розилик беради.

- уч қунлик муддат ичидаги «Пудратчи» томонидан тақдим қилинган «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумот хисоб-варак фактура» ни кўриб чикади ва уни расмийлаштиради.

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект қурилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиши назоратини ва мазкур шартномада қайл этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини уч қун муддатда кўриб чикиш ва карор қабул килиш;

- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлил жақмда бажариш мажбуриятларини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлил мулкий жавоб беради. Пудратчи томонидан йўл кўйилган камчиликларни бир иш купидан ошмаган холда жойида огохлантириб камчилик бартараф килинади.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

11. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

12. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР.

13. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миљлий валюта - «сўмда» қилинади.

14. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 ( уттиз ) фоиз миқдорида аванс ўтказади

15. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш иш куни ичидаги амалга оширади.

16. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатта ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этажтан ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва ушбу объект қурилишининг бошка харажатларига қатъий сарфланади.

17. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактура» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

18. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос бўлади.

Буюртмачи объектдаги, пудратчи иш хажмларини топшургунга кадар қурилиш материалларини кўриклишни ўз зиммасида колдиради.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз ганишиш хукуқига эгадир.

21. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

22. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошираса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

23. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эта бўлган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиши тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларниш бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларида коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БҮЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАР**

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгигб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгигб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага кўлтирган вактга мутаносиб равиша узайтирилади.

25. Агар енгигб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга ҷўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандалор қўрилишини мухокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақицидир.

## **X. ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

27. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги конуниларга риоя этилишини таъминлаиди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик килиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлади.

28. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равиша (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатта ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хукуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

29. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион ҳавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хукуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

## **XI. КАФОЛАТЛАР.**

30. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида бслгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажарини сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- обьектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## **XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

31. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиқтирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

32. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукуқига эга.

33. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

34. Мазкур шартномани бекор қилишга карор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

35. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбордor томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

36. Шартноманинг бир томонлами бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## **XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

37. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбордor томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида» ги конун хужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

38. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганини зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатид ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарим тўлайди;
  - Буюртмачининг хисоб ракамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунида сабабси Пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - шартномага мувофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асосиз равишда кабул қилис тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу кабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - шартномашартияга мувофик тайёр холда кабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асосиз равишда кабул қилишдан бош тортса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
39. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар бўлади ва:
- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларини бажарилмаган кисмидан ҳар кечикирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.
  - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр холда фойдаланишига топширмаса шартнома кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;
  - Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси томонидан аникланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.
40. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки мақомини ногўри берса ва ўзгарганилиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айборд томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.
41. Бир томоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айборд томон иккинчи томонга барча зарапларни қоплади, амалдаги қонунларда белгиланган тартибида.
42. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома кийматининг 30% ошмаслиги керак.
43. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

#### XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарапларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар қонун хужжатларида белгиланган тартибида судга мурожаат қилишлари мумкин.

#### XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

45. Мазкур шартнома имзолантандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

46. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

47. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

48. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мulkни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришга ҳақлидир.

50. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига ККС. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

51. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун хужжатлари қўлланилади.

52. Мазкур шартнома томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва барча кўзда тутилган шартнома шартлари тўлалигича бажарилгунга қадар амал килади.

Шартноманинг амал килиши муддати 2022 йил 31 декабргача

53. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БЮОРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Тупроқкальба тумани Ободонлаштириш бошқармаси	“Тупроқкала ТИФУК”
Манзили: Тупроқкальба тумани Саховат махалласи	Манзили: Тупроқкала тумани Соримой кишлоги

JURU.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, ҳужжат коди: XJ45581/6861

Тел/факс+998 62 305 33 08	Тел/факс: +998 90-077-10-67
ИНН 307302536	ИНН: 307319134
ШХР 401722860332217065200110004	ШХР: 470010860332217045193118001
ОКЭД 90290	ИФУТ: 42110
Молия вазирлуги Ғазначилиги Х/р . 23402000300100001010 ИНН 201 122 919	Молия вазирлуги Ғазначилиги Х/р . 23402000300100001010 ИНН 201 122 919
МФО 00014 Тошкент шаҳар Марказий банк	МФО 00014 Тошкент шаҳар Марказий банк

